


ТАСДИҚЛАЙМАН
«Дехқонобод калий заводи» АЖ
Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари



Б. Бойназаров
Б. Бойназаров
«12» 10. 2021 йил

«Дехқонобод калий заводи» АЖ
ТОҒ-КОН МАЖМУАСИДА ГЕОЛОГИК-МАРКШЕЙДЕРЛИК
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Дехқонобод – 2021 йил

МУНДАРИЖА:

1 БЎЛИМ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	3
2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ).....	3
3 БЎЛИМ. ТЕХНИК ТАЛАБЛАР.....	3
4 БЎЛИМ. ТОПШИРИШ – ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР.....	3
5 БЎЛИМ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТЛАРИ.....	3
6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ).....	3
7 БЎЛИМ. ҚЎШИМЧА (БОШҚА) ТАЛАБЛАР.....	4

1 БЎЛИМ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1 бўлинма Номланиши
«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти тоғ-кон мажмуасида геологик-маркшейдерлик хизматларини кўрсатиш хизмати
1.2 бўлинма. Хизматларни харид қилиш учун асос ва мақсади
Тоғ-кон мажмуаси геология-маркшейдерлик хизматлари фаолияти сифатини ошириш ва аудит қилиб чиқиш

2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Кўрсатиладиган геология-маркшейдерлик хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:
- Тюбегатан конининг фойдали қазилмаларинининг йиллар кесимидаги ҳаракати ва ҳисобини аудит қилиш;
- шахтанинг 3- ва 5-панелларида шифтдан тузларнинг (заколооброзования) кўчган зоналарида ва потенциал хавфли жойлардаги руда йўқотилиши ҳисобини олиш ва уни фойдали қазилмалар баланси захирасидан чиқариш учун зарурий ҳужжатларни тайёрлаш;
- тоғ-кон мажмуасидаги геология-маркшейдерлик хизматлари фаолиятига (юритиладиган барча ҳужжатлар ва амалга оширидаётган ишларга) баҳо бериб, уларнинг сифатини янада яхшилаш бўйича маслаҳат хизмати кўрсатиш.

3 БЎЛИМ. ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Бажарилган ишлар (хизматлар) ер ости шароитида амал қиладиган қонун қоидалар (ЕПБ, ЕПОН) талаблари асосида бажарилади.
--

4 БЎЛИМ. ТОПШИРИШ – ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Ҳисоботлар тоғ-кон мажмуаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, ўрнатилган тартибда ишларни топшириш-қабул қилиш далотномалари расмийлаштирилганидан кейин топширилган ва қабул қилинган деб ҳисобланади.

5 БЎЛИМ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТЛАРИ

Бажарилган ишлар (хизматлар) шартнома расмийлаштирилиб, аванс тўловлари амалга оширилганидан сўнг кўпи билан 1 (бир) ой муддатда бажарилиши зарур.
--

6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, «Дехқонобод калий заводи» АЖ тоғ-кон мажмуаси.
--


7 БЎЛИМ. ҚЎШИМЧА (БОШҚА) ТАЛАБЛАР

Тоғ-кон мажмуасида геология-маркшейдерлик хизматларини кўрсатишда куйидагилар бўйича консультатив маслаҳатлар берилиши талаб этилади:

- қазиб олинаётган фойдали қазилмаларнинг кунлик, ойлик ва йиллик ҳисоботлари юритилиши бўйича;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш жаранидаги йўқотилиш сарфларини нормативдан ошмаслигини назорат қилиб борилиши;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнида кераксиз рудани қўшилиши сарфини нормативдан ошмаслигини назорат қилиб борилиши;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнида панеллар, блоклар, камералар орасида қолдирилаётган целикларни назорат қилиб борилиши;
- панелларга киришда тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланган локал лойиҳа асосида иш юритилиши;
- тоғ-кон ишларининг истиқболли режаси (ПРГР) тузишда иштирок этиб тегишли давлат ташкилотлари билан келишиб тасдиқлатиш ва тасдиқланган режалар асосида иш юритилишини назорат қилиш;
- йиллик қазиб олинган фойдали қазилмани йиллик форма 5-ГР статистик ҳисоботини юритиш ва давлат геология фондидан ҳисобдан чиқариб бориш каби ишларнинг юритилишини кўриб чиқиш.

Ишлаб чиқди:


ТКМ бош муҳандиси



Караев Б.М.


Келишилди:

ТКМ бошлиғи



Жумаев И.К.

ИЧМ бўлими бошлиғи



Зарипов Т.Э.